O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 13 ноябрь, №231 (3343) Пайшанба





# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 ноябрь куни Оқсаройда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) фармойиш берувчи директорининг ўринбосари Шигемитсу Сугисакини қабул қилди.

Ўзбекистон ХВЖ билан ҳамкорликни кенгайтиришга катта эътибор беради ва ушбу халқаро молия муассасасининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлайди, – деди давлатмиз раҳбари.

Ўзбекистон ХВЖ билан кенг қамровли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Айниқса, кейинги бир ярим йил давомида мазкур ҳамкорлик янада фаоллашди. Бу вақт давомида “Миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертациясини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар режаси” ҳаётга жорий қилинди. Натижада шу йилнинг 15 октябридан сўмнинг ХВЖ Битим моддаларининг VIII моддаси андозаларига мувофиқ конвертацияси таъминланди.

2002 йил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ХВЖ ҳамкорлигида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш, жумладан, валюта бозорини эркинлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутувчи Иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича меморандум ҳаётга жорий этилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳукуматимизнинг валюта бозорини тўла эркинлаштириш тўғрисидаги қарори ХВЖ раҳбарияти томонидан юқори баҳоланиб, ушбу ташкилот Ўзбекистонга барча зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр эканлигини билдирган. Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида ўтказилган амалий мулоқотлар натижасида саъй-ҳаракатлар режасида белгиланган барча вазифалар қайд этилган муддатдан аввал бажарилди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг валюта бошқаруви тизими ва бу борадаги қонунлари ХВЖ Битим моддаларининг VIII моддаси талабларига тўла мос келади.

Оқсаройда ўтган суҳбатда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришда халқаро молиявий ташкилотлар, жумладан, ХВЖ билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ВАЗИРЛАР АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

*Ҳурматли меҳмонлар!*

*Аввало, сизларни, Тошкент шаҳрида ўтаётган Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар анжумани қатнашчиларини қутлар эканман, ҳаммангизга иззат-икром ва эҳтиромимни изҳор қилмоқчиман.*

*Биз Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ғоясининг асосий ташаббускорларидан бири, устувор қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида йиғилган ушбу нуфузли анжуманни ўтказишга бош-қош бўлаётган Осиё тараққиёт банкининг ролини юксак қадрлаймиз.*

*Минтақамиздаги мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси ва мантиғи минтақавий иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви объектив қонуният эканлигини тасдиқламоқда ҳамда ижтимоий ўзгаришлар ва ҳамкорликни ривожлантириш учун мисли кўрилмаган имкониятлар очмоқда. Бугунги кунда биз глобаллашув жараёнининг тўла ва тенг ҳуқуқли қатнашчилари бўлиш, XXI асрда Марказий Осиё давлатларини халқаро муносабатлар ва жаҳон хўжалик алоқаларининг янги тизимига жалб этиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ имкониятга эгамиз.*

*Марказий Осиё давлатлари тарихан мустаҳкам иқтисодий муносабатлар тизими билан ўзаро чамбарчас боғланган. Минтақамиз салоҳиятининг бойлиги нуқтаи назаридан, истиқболли халқаро лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда минерал-хомашё, сув-энергетика заҳиралари ҳамда коммуникациялардан фойдаланиш соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш борасидаги имкониятларининг кенглиги жиҳатидан ноёб мавқега эгадир.*

*Жўғрофий ҳолатига кўра улкан транзит салоҳиятига эга бўлган Марказий Осиё минтақаси жаҳон миқёсидаги коммуникация инфратузилмасидан муносиб жой олиши, Европа билан Осиё ўртасидаги асосий қитъалараро транспорт “кўприклари”дан бири бўлиб қолиши учун барча имкониятлар мавжуд.*

*Минтақани “анклав” ҳолатидан чиқариш муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ транспорт коммуникациялари соҳаси Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар ҳамкорлигининг устувор йўналиши ҳисобланади. Биз “боши берк” транспорт йўналишларини эмас, балки умумжаҳон коммуникацияларига олиб чиқадиган магистрал транспорт йўлларини ривожлантиришни принципиал муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. “Буюк Ипак йўли” йўналишлари орқали Марказий Осиё ва Кавказни Европа ҳамда Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан боғлайдиган йўлларни барпо этиш минтақадаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожлантириш масалаларини комплекс ҳал этишни таъминлайдиган тарзда интеграциялашувига кўмаклашади.*

*Энергетика инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг муҳим мақсади бўлган ёқилғи-энергетика комплекслари самарадорлигини ошириш мамлакатларимизнинг ресурсларини ўзаро тўлдириш тамойилига асосланиши лозим.*

*Афғонистондаги вазият барқарорлашиб бораётгани ва халқаро ҳамкорлик дастурлари амалга оширилаётгани муносабати билан ҳамкорликнинг мазкур йўналишлари алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу мамлакат иқтисодиётини қайта тиклаш борасидаги кенг миқёсли режалар минтақани ривожлантириш ва интеграциялашнинг умумий ёндашувига ҳамоҳанг бўлиши лозим.*

*Шу муносабат билан, етакчи халқаро донорларни Осиё тараққиёт банкининг ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва Марказий Осиёнинг минтақавий дастурларини амалга оширишга яна ҳам кенгроқ жалб этиш принципиал муҳим масаладир.*

*Ўзбекистон ҳамкорликнинг ўзаро келишиб олинган устувор йўналишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва минтақа мамлакатларининг миллий манфаатларига мос келадиган транспорт, савдо ва энергетика соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёрдир.*

*Вазирларнинг Тошкент анжумани давомида бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда мамлакатларимиз аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилган минтақавий устувор дастурларни тузиш ва амалга оширишга оид энг мақбул ечимлар ишлаб чиқилишига ишонаман.*

*Барча қатнашчиларга самарали фаолият ва анжуман ишининг муваффақиятли якунланишини тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# КОМПЬЮТЕР ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ ТЎСИҚ



*Тошкент (ЎзА мухбири Т.Ботирбеков).*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг компьютер жиноятлари бўйича қонунчилигини такомиллаштириш масалалари” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, БМТ Тараққиёт дастурининг “Рақамли ривожланиш ташаббуси” дастури, “Интернет сиёсати буйича бутунжаҳон ташаббус” лойиҳаси ташкил этди. Давра суҳбатида депутатлар, давлат бошқаруви идоралари, халқаро ташкилотлар, илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик бошқарган мажлисда Ўзбекистон Республикасининг компьютер жиноятлари буйича қонунчилиги аҳволи ва уни такомиллаштириш истиқболлари муҳокама этилди.

Маълумки, сўнгги йилларда республикамизда ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантириш ва уларни жамият ҳаётида қўллаш доирасини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Мамлакат иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида АКТни ривожлантириш ва унинг имкониятларидан фойдаланиш учун қулай шароит яратишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилмоқда.

Бироқ, хорижий мамлакатлар тажрибасидан кўринадики, АКТ ривожлангани сари жамиятда қонунбузарликнинг янги тури ҳам пайдо бўлади. Шу боис, АКТни ривожлантиришга қаратилган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш билан бирга, бундай жиноятлар учун жавобгарликни белгилаб берувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим. Бу масалаларни ҳал этиш учун мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани чуқур таҳлил қилиш керак.

Мажлис давомида АКТ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар меъёрларини амалда қўллаш ва Ўзбекистоннинг компьютер жиноятлари соҳасидаги қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ турли масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама эркин мунозара, савол-жавоб ва фикр алмашувнинг бошқа шаклларида олиб борилди. Айни пайтда, чет мамлакатлар ва халқаро ҳамжамиятнинг компьютер жиноятлари борасидаги тажрибаси умумлаштирилди.

# Глобаллашувнинг иқтисодий жараёнларга таъсири

*Тошкент (ЎзА мухбири Ш. МАТНАЗАРОВА).*

Сиёсий тадқиқотлар марказида “Глобаллашув ва Марказий Осиё” мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари глобаллашув жараёнининг Марказий Осиёдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсири ортиб бораётганини қайд этиб, у билан боғлиқ янги таҳдид ва имкониятларни муҳокама қилди.

Семинарда Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Хеккер, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Кавато, Ж.Неру номидаги университет (Ҳиндистон) профессори С.Чакраварти, республикамизнинг турли олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ўқитувчилари, олим ва талабалар, чет мамлакатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ходимлари сўзга чиқди.

Сиёсий тадқиқотлар маркази долзарб халқаро муаммоларга оид амалий тадқиқотларни амалга оширади, мунтазам равишда семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб келади, манфаатдор ташкилотларга маслаҳат хизматлари кўрсатади.

Мазкур нодавлат нотижорат ташкилоти муассислари орасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарали иқтисодий сиёсат маркази бор.

# САРМОЯВИЙ ФАОЛИЯТ МУВОФИҚЛАШАДИ

*11-12 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги “Интерконтинентал” меҳмонхонасида Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар анжумани бўлиб ўтди.*

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) шафеълигида ўтган мазкур конференцияда Ўзбекистон, Мўғулистон, Озарбойжон, Тожикистон, Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон расмий вакиллари иштирок этди. Унда, шунингдек, БМТ Тараққиёт дастури, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, Ислом тараққиёт банки ва Жаҳон банки вакиллари кузатувчи сифатида қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Саидаҳмад Раҳимов ўқиб эшиттирди.

ОТБ президенти Тадао Чино мазкур анжуманни ташкил этишда кўрсатган ёрдами учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирди. Унинг фикрича, Марказий Осиё давлатларининг жойлашуви, бозорларининг нисбатан кичиклиги уларнинг ўзаро яқин ҳамкорликда тараққий топишини тақозо этади. Ушбу анжуман хориж сармоядорларининг минтақамиз мамлакатларига ишончини мустаҳкамлаш ва сармоя оқимини кўпайтиришга хизмат қилади, ОТБ ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг минтақадаги сармоявий фаолияти мувофиқлашувини яхшилайди.

Коференцияда минтақадаги иқтисодий ҳамкорлик жараёнларида амалга оширилиши зарур бўлган қатор вазифалар муҳокама қилинди. Аҳоли фаровонлигини ошириш, транспорт, савдо ва энергетика соҳаларидаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш, сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳит ҳимоясини кучайтириш, хусусий сектор равнақи учун қулай сиёсий ва ижтимоий муҳит яратиш, иқтисодий инфратузилмаларни такомиллаштириш каби масалалар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари интеграцияни жадаллаштириш борасида кўплаб келишувларга эришган. Лекин, хорижлик мутахассисларнинг фикрича, биргаликда ҳал қилинадиган айрим муаммолар ҳам борки, уларни айрича ечишга уринишлар ҳам йўқ эмас. Айрим келишувлар эса ҳаётда ўз аксини топмаяпти. Дейлик, гидроэнергетика, транспорт коммуникацияси ва озиқ-овқат соҳаларида консорциумлар тузиш ғояси ҳамон амалиётта татбиқ этилмаяпти.

Конференцияда иштирокчи мамлакатлар делегациялари раҳбарлари сўзга чиқиб, минтақавий интеграцияни ривожлантириш борасидаги масалаларга муносабатини баён қилди.

Анжуманда Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш учун, аввало, ўзаро маъқул ёндашувлар ва механизмларни ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Р.Азимов сўзга чиқди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев иштирок этди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Пойтахтимизда

# ЮРТИМИЗНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ



*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ф.АРЗИЕВ).*

“Ўзэкспомарказ”да “Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти” тўртинчи савдо кўргазмаси очилди. Бу галги кўргазма Осиё тараққиёт банки (ОТБ) шафеълигидаги Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик масалаларига бағишланган вазирлар конференцияси доирасида ўтказилмоқда.

Кўргазмага мамлакатимиздаги икки юздан ортиқ давлатга қарашли ва хусусий корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, кимё саноати, қурилиш моллари, самолётсозлик, сайёҳлик, енгил саноат каби кўплаб соҳаларда ишлаб чиқараётган экспортбоп маҳсулотларидан намуналар қўйилган.

“Усто”, “Ёдгорлик”, “Нигористон”, “Ҳунарманд” марказлари эса халқ амалий санъати намуналарини намойиш этаётир. “Олтин мерос”, халқаро жамғармаси илк бор ўзининг “Буюк ипак йўли. Анъаналарнинг тикланиши” лойиҳаси билан қатнашмоқда.

Шунингдек, очиқ майдонда “Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг”нинг қишлоқ хўжалиги техникаси, “ЎзДЭУавто”нинг мамлакатимиз саноати фахрига айланган “Нексия”, “Тико”, “Матиз”, “Ласетти”, “Дамас” автомобиллари ҳамда “Самкочавто”нинг турли бичимдаги машиналари намойиш этилмоқда.

Тадбирда илк бор қатнашаётган Orient-mebel, Excellent East, Xon-Bugda каби қатор қўшма корхоналарнинг мебель, пойабзал, спорт жиҳозлари ва кийимлари, макарон маҳсулотлари ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу ерда Ўзбекистондаги таниқли модельерларнинг маҳаллий матолардан тайёрлаган замонавий либослари ҳам намойиш қилинмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев ҳамда Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чино иштирок этди.

## Жойлардан хабарлар

### Жўқорғи Кенгес сессияси

**Иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ўн иккинчи сессияси бўлиб ўтди.**

**Сессияда Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қорақалпоғистон Республикасининг қатор янги Қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинди.**

**Сессияда ташкилий масала кўрилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари этиб Ғафуржон Ражабов сайланди.**

**Сессияни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари М.Ерниязов бошқарди.**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Камолот»нинг ёш мусаввирлар танлови

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилоятидаги 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида асфальтга расм чизиш бўйича очиқ танлов ўтказди. Халқаро «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят телерадиокомпаниясининг тадбирга ҳомийлик қилгани ижодий кўрикнинг оммавийлигини оширди.**

**«Ёшлар» маркази олдидаги очиқ майдонга «Жонажон Ватан», «Бахтли болалик», «Спорт – тинчлик рамзи», «Шаҳрим – фахрим», «Обод маҳалла» каби кўплаб суратлар томошабин ва ҳакамларнинг олқишларига сазовор бўлди. Иштирокчиларнинг барчасига мукофотлар, эсдалик совғалари топширилди.**

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ўтабеклик Мэри Аҳмад

**Ромитан туманининг Ўтабек қишлоғидаги тиббиёт масканига АҚШдан келтирилган тиббий ускуналар ўрнатилди. Мазкур шифо маскани “Саломатлик” (Ўзбекистон-АҚШ) қўшма дастурига киритилган, — дея хабар беради “Туркистон-пресс” мухбири.**

**Лойиҳага кўра тиббиёт масканида ўзбек шифокорлари билан бирга Вашингтон штатидан келган кўнгилли-шифокор Мэри Аҳмад ҳам ишламоқда. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилган Мэри ўтабеклик хотин-қизлар билан мулоқотда қийналмайди. Негаки, у аллақачон ўзбек тилида сўзлашишни ўзлаштириб олган. Шу боис ҳам ўтабекликлар уни ўзимизнинг Мэри дейишади.**



### Туманлар зафари

**Самарқанд вилоятининг Пахтачи ва Оқдарё туманлари пахтакорлари давлатга пахта сотиш йиллик шартнома режасини уддаладилар. Пахтачиликлар қабул пунктларига 30 минг тоннадан ортиқ, оқдарёликлар эса 18,5 минг тонна сифатли хомашё топширишди. Ҳар икки туманда иш пудрат усулида ташкил этилгани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани ўз самарасини берди.**

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбек кураши Океанияда

Кураш халқаро ассоциациясининг матбуот марказининг хабар беришича, шу йилнинг 14-16 ноябрь кунлари Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида илк бор кураш бўйича эркаклар ўртасида қитъа чемпионати ўтказилади. Унда 66, 81 ва 81 килограммдан ортиқ вазндаги полвонлар гиламга чиқишади. Маълумотларга кўра, чемпионлик учун 25га яқин давлатлар вакиллари кураш олиб боришади. Мусобақаларда Япония кураш федерацияси делегациясининг иштирок этиш истагини билдирганлиги ташкилотчиларни мамнун этди.

Зеро, япониялик полвонлар кураш бўйича ўтказиладиган халқаро мусобақаларда доимо совриндорлар сафидан жой олишган. Уларнинг тажрибаси катта. Бу эса ўзбек курашининг Океанияда оммалашувини янада тезлаштиради.

Янги Зеландия кураш федерацияси президенти Йохан Башоффнинг эътироф этишича, ушбу мусобақа дунёни забт этаётган ўзбек курашининг ҳақиқий маҳобатини намоён қилади.

**Ўз мухбиримиз.**

*Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар давом этмоқда*

# МИНГ ҚЎШЧИГА БИР БОШЧИ

«Кенгес» овул фуқаролар йиғини Чимбой воҳасининг қадимий ва навқирон элатларидан ҳисобланади. Фуқаролар йиғини ҳудудидаги ширкат хўжалиги ҳам «Кенгес» деб аталади. Бир пайтлари бу ерда шу номда туман ва шаҳарча бўлган. Халқимизда «Кенгашли тўй тарқамас» деган гап бор. Юз йилларки, маслаҳат ва машварат асосида «Кенгес»да ташкил этиладиган тўйлар тарқамайди. «Кенгес»нинг суви ширин, тупроғи саховатли бўлгани учун ҳам у ердан Шомурад ота Мусаевдек Марказий Осиёга танилган пахтакор, Қосим Авезовдек таниқли давлат арбоби, ажойиб оқинлару бахшилар шоиру, олимлар уламолар етишиб чиққан. Фуқаролар йиғинини ёш, истиқболли кадр Анвар Хўжанов бошқармоқда. Ақл-идрок, ўқув ёшга эмас, интилишга, саъй-ҳаракатга боғлиқ бўлар экан. Қисқа даврда йиғин раиси бутун кенгесликларнинг эътиборини қозонди.

Хўш, Анвар бу эътибору эътирофга қандай йўл билан эришди? Авваламбор, у ўзи бошқараётган йиғиннинг номига,бу номнинг маъносига алоҳида назар билан боқди. Биринчи навбатда пиру бадавлат отахонларни йиғиб, ўгитларини олди.

— Анвар ўғлим! Бизнинг ота-боболаримизда «Уч ой соғуним, уч ой қовуним, уч ой қовоғим, уч ой чавоғим» деган ҳикматли сўз бўлган. Шу ҳикматнинг мағзини чақиб олсанг, ошиғинг олчи бўлади!

Йиғин раиси бобонинг сўзларини дарҳол англаб етди. «Уч ой соғуним» дегани иложи бўлса, овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1010 хонадоннинг барчасида соғиладиган сигири бўлсин. Қариялар маслаҳатига кўра, чорваси йўқ уйлар сигир сотиб олишди. Ёмон бўлмади, кувалари қатиғу қаймоққа тўлди. Уйларида ризқрўз кўпайди. Қовун-тарвуз, қовоқ яъни полизу сабзавот экадиган бўлишди. Илгари икки кило пиёз учун ҳам Чимбойга от елдириб борадиган, томорқасига қайрилиб боқмайдиганлар бор эди. Ундайлар деярлик қолмади. Тўғри, беш қўл баравар эмас, биров сабзи етиштиришнинг ҳадисини олгани билан картошкага келганда тажрибаси кам бўлиши мумкин. Анвар «Кенгес»нинг ўзидаги кичик бозорчанинг ишини яхшилади. Овулдошлар ортиқча маҳсулотларини шу ерда сотадиган бўлишди. «Уч ой чавоғим» деган ҳикмат ҳам эсдан чиқмади. Бир неча жойда балиқ ўстириш йўлга қўйилди. Энг муҳими, ширкат хўжалигида пахта, кузги буғдой, шоли етиштиришда туб бурилишга эришилди. Қозонга ҳам, чўмичга ҳам мой юқа бошлади.

— Турмушимизда тўрт илдиз, яъни ер, сув, боғ ва чорвага таяниб келмоқдамиз, — дейди Анвар Хўжанов. — Шу тўрт омил ўша бобомиз айтган тўртта ризққа негиз бўлади. Бир неча жойда мевали боғ, теракзорлар барпо этдик. Улар элга ҳам мева, ҳам тоза ҳаво беради. Бу йилнинг ўзида 5 гектарлик ажойиб боғ яратдик. Жамиятимиз ниҳоллари бўлган ширингдан шакар болажонларимизга эътибор бермоқдамиз!

Бугунги кунда «Кенгес»даги 1-сонли иқтидорли болалар лицейини наинки Чимбой, балки тумандан ташқарида ҳам яхши билишади. Чунки Қорақалпоғистон халқ ўқитувчиси Есбўсин Таженов бошқараётган бу даргоҳни битираётган ёшларнинг аксарияти олий ўқув юртларида таълим олишмоқда. Бу йил лицей битирувчиси Гулбарчин Ниёзова республика олимпиадасида қорақалпоқ тили бўйича биринчи ўринни олганлиги учун. Қорақалпоқ давлат университетига давлат тест синовларисиз қабул қилинди. Бу ерда қўшни туманлардан ҳам болалар билим олишмоқда. Ҳомийлар лицейга компьютер совға қилишди.

— Халқимизда «Минг қўшчига — бир бошчи» деган сўз бор, — дейди Чимбой тумани ҳокими, Жўқорғи Кенгес депутати Қўнғиротбой Душумбоев. — Қаердаки элни эргаштирадиган, фуқароларнинг қалбига йўл топадиган бошчи бўлса, ўша ерда иш юришади. Фуқаролар йиғинларига сайловда халқ, албатта, Анварга ўхшаган эл азаматларини танлашига шак-шубҳа йўқ!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Турли қонунбузарликларнинг олдини олишда маҳалланинг ўрни беқиёс. Буни яхши англаган Ғузор тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Рустам Ҳаитов тумандаги маҳаллаларда, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларида тез-тез бўлиб, улар билан ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ўтказади. Маҳалла посбонлари фаолиятига жиддий эътибор беради. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қўл келаётир. Яқинда прокурор хайрли ишга бош қўшди — туман ёшлари ўртасида чим устида хоккей командаси ташкил этилди. "Гулшан" деб номланувчи ушбу команда ўз сафларига ўнлаб ёшларни бирлаштирган.*

**СУРАТДА: туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Рустам Ҳаитов "Наврўз" маҳалласи аҳли даврасида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

*Шовот туманининг «Бўстон» ширкат хўжалиги далаларида иш қизғин. Деҳқон йил бўйи қилган меҳнатининг ҳосилини ёғин-сочин кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олиш ниятида тиним билмайди. Бир ёнда шоли бошоқлари бош эгиб турибди — бу унинг пишиб етилганидан нишона. Боғдаги мевалар ҳам узишга шай. Қизилқумнинг бир қисми бўлган Амирқум ерларидан 350 гектарида етиштирилган пахта далалари оппоқ денгиз мисол чайқалади. Ширкат хўжалигининг 1000 гектарлик ер майдонининг ҳар қаричида иш қизигандан қизийди. Ахир деҳқон ҳосилни йиғиш палласига етгунча оз мунча меҳнат қилдими! Бу ерлар қумлоқ бўлганлиги туфайли сув масаласида ҳамиша муаммо пайдо бўлади. Ерларнинг унумдорлиги баланд-у, сувга бўлган талаб ҳам юқори. Сув қанча кўп бўлса ҳам, бир пасда сингиб кетади.*



# БЎСТОНЛИКЛАР

20 йил шоли етиштирилган бу ерлар 1991 йилдан пахта ва ғаллачиликка ихтисослаштирилди. Бу йил хўжалик далаларининг 350 гектарида буғдой, 250 гектарида шоли ва 50 гектарида полиз ва сабзавот экинлари етиштирилди. Буғдойдан жами 1225 тонна ҳосил олинди. Унинг 540 тоннаси давлат режаси бўлса, 685 тоннаси хўжалик ихтиёрига қолди. Шундан 65 нафар бош пудратчига 280 тонна буғдой бўлиб берилиб, хўжалик даромади 110 миллион сўмни ташкил этди.

Қизғин давом этаётган бу йилги шоли мавсумида бўстонликларнинг ниятлари янада улуғ. Улар режадаги 875 тонна ўрнига 1125 тоннадан шоли хирмони уюшни кўзлашяпти. Шоликор даласидаги ҳосилнинг чўғига қараб, оладиган даромадини яхши билади. Мўлжалдаги ҳосилни олишга эришилса, 500 тонналик давлат буюртмаси бажарилиб, 625 тонналик шоли бўстонликлар омборини тўлдиради. Уларнинг 35 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил етиштириб, ҳосил тўйини нишонлайдиган кунларига ҳам оз қолди.

«Бўстон» ширкат хўжалиги бу йилги пахта мавсумида нафақат туманда, балки вилоят хўжаликлари орасида ҳам энг олдинги сафларда бормоқда. Улар пахта сотиш режасини биринчилардан бўлиб бажариш мақсадида кунига 5-6 фоиздан «оқ олтин» топширишяпти. Ўтган йили уйган пахта хирмонидан 98 миллион 377 минг сўмлик даромад қилган хўжалик пахтакорлари бу йилги мавсумда теримни тез ва сифатли якунлаб, ўтган йилдагидан 2 ярим баравар кўпроқ, яъни 191 миллион сўмлик даромад олишни мўлжаллашаётир.

## *Ислоҳот одимлари*

Бундай сарбаланд хирмонни уйишда «Бўстон»даги 15 та фермер хўжалиги қўшаётган ҳиссалари таҳсинга лойиқ. Бир тану бир жон бўлиб, хоразмчасига айтганда, оғзибиргачилик билан амалга оширилган иш ҳамиша муваффақият гарови бўлади. Хўжалиги бой кишиларнинг дастурхони нонга, омбори донга, тўла бўлади. Улар ўз эҳтиёжларидан ортганини юрт фаровонлиги учун сарфлашади.

Дарвоқе, бу йил ҳам қишлоқда анчагина савобли ишлар қилинди. Болажонларнинг соғлом ва бақувват, билимдон бўлиб камол топишлари учун катта имкониятлар яратилмоқда. Болалар боғчаси ва мактаб тўла таъмирдан чиқарилиб, улар ихтиёрига топширилган пайтдаги жажжи болажонлару мактаб ўқувчиларининг қувончини бир кўрсангиз! Янги таъмирдан чиқарилган ўйингоҳ эса қишлоқ ёшларининг севимли масканига айланган. Қайта таъмирланган замонавий типдаги қишлоқ врачлик пункти эса ёшу қари — барчанинг хизматида. Қишлоқ аҳлининг узоғини яқин қилиш ҳамда вақтини тежаш мақсадида уларнинг кундалик эҳтиёжи учун хизмат кўрсатадиган шоли ва буғдойни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирувчи тегирмон ва обжувозлар, сартарошлик, тикувчилик, пойабзал устахонаси каби шохобчалар фаолият кўрсатмоқда.

— Йиғим-терим ишлари ниҳоясига етгандан кейин замонавий типдаги 5000 ўринли стадион қурилишини бошламоқчимиз, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Юсуфбой Саъдуллаев. — Келгуси режаларимиз, ниятимиз катта. Аммо улар ҳақида ҳозир гапирмоқчи эмасман. Амалга ошгандан кейин кўрган бошқача. Баҳор, ёзу куз бўйи далада фидокорона меҳнат қилган деҳқоннинг шаҳарга бориб, дам олишга вақти бўлмайди. Унга шу қишлоқнинг ўзида кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши, зарур эҳтиёж молларини харид қилиши, саломатлигини тиклаш учун барча имкониятларни яратиб бериш лозим.

Ҳа, бўстонликлар ўз қадрини биладиган одамлар. Мўлжаллаган ҳар бир ишини ўз вақтида ва астойдил бажаришади. Эл-юрти, она-Ватани ва оиласи олдидаги бурч ва масъулиятни чуқур англаган бундай кишиларга эса омад ҳамиша кулиб боқаверади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ — ИНТЕРНЕТДА

Интернет тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг веб-саҳифаси (www.vak.uzsci.net.) очилди. Унда аттестация тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мунтазам ёритиб борилади. Бу саҳифа ривожланган хорижий мамлакатлар билан тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий аттестация комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда комиссия низоми ушбу веб-саҳифадан жой олган. Ундан ОАК фаолиятига бевосита тегишли бўлган Илмий даражалар бериш, Ихтисослашган кенгаш ҳақидаги ва Эксперт кенгаши тўғрисида низомлар ҳам ўрин олган.

ОАК низомларида диссертацияга, илмий даража ва илмий унвон талабгорларига қўйиладиган янги мезон ва талаблар мавжуд. Улар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни давлат йўли билан аттестациядан ўтказишнинг халқаро андозаларга мос келишини ҳамда бериладиган илмий даража дипломларининг эътироф этилишини таъминлайди.

Шунингдек, саҳифада, ОАК аппарати, раёсати, эксперт кенгашлари тузилмалари, ихтисослашган кенгашлар тармоғи ҳамда "ОАК Бюллетени" журналининг янги сонлари билан танишиш мумкин.

Айни пайтда ОАК ташкил топганидан буён ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертацияларининг электрон базаси яратилди. Электрон базада тадқиқотчининг илмий иши, диссертациянинг долзарблиги, илмий ва амалий аҳамияти ҳақида маълумотлар мавжуд.

Веб-саҳифани замонавий ахборот технологиялари асосида диссертация ишларини баҳолаш ва экспертиза қилиш бўйича маълумотлар билан бойитиб бориш ҳам назарда тутилган.

**(ЎзА).**

*Боқий қадриятлар*

*Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бошланди. Бу — чин маънодаги умумхалқ йиғини бўлади, десак, муболаға қилмаймиз. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига ўн мингга яқин оқсоқоллар, яна минглаб маслаҳатчилар сайланиши керак. Уларни танлаш кенг омманинг ихтиёрига боғлиқ. Негаки, маҳалла ҳар бир фуқаронинг оиласига айланган. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлган республика семинар-кенгашида юртимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётида катта аҳамият касб этувчи бу муҳим тадбирни ўтказиш юзасидан маслаҳатлашиб олинди.*

*Юртбошимиз И. Каримов 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилганда ўзбекистонлик ҳар бир фуқаронинг қалбига нур солувчи ибора ишлатган эдилар: «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла!»*

# Отанг — онанг — МАҲАЛЛА

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

Маҳалла дегани, айрим чет эллик «билимдон»лар тасаввур қилганидек, «аллақандай ибтидоий жамоа» эмас, асрлар давомида шаклланган, аниқ мақсадга йўналтирилган, ҳар бир механизми такомилга етган жиддий ва ўта муҳим институтдир. Маҳалла қисмати мамлакат қисмати билан чамбарчас боғланиб кетган. Маҳалла обод бўлса, юрт обод, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний бундан минг йил аввал яратган «Ҳиндистон» асарида жиддий илмий тадқиқотлар қилиш билан бирга бу мамлакат тарихи, географияси, этнографияси ҳақида ҳам бой маълумотларни ёзаркан, муҳим бир фикрни айтади. Бирон халқ анъаналарига, удумларига баҳо беришда «буниси менга ёқади, униси ёқмайди», дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, ҳар бир халқнинг удумлари кўп йиллар тажрибадан ўтган ва ўша халқнинг яшаш тарзи, дунёқараши билан уйғунлашиб кетган. Фуқаролар йиғинлари бизнинг ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, одам бу тушунчасиз турмуш тарзини тасаввур қила олмайди.

Шарқ билан Ғарбнинг дунёқарашида бир-бирига мос келмайдиган жиҳатлар бўлиши мумкин. Уларнинг бирини маъқуллаб, иккинчисини камситмаган ҳолда, бир-бирига зид қўймаган ҳолда бундай тафовутларни эътироф этиш ҳам зарар қилмайди. Масалан, Ғарб мамлакатларида индивидуализм кучли. Ҳар бир инсон ўзини шахс сифатида кўрсатишга интилади. Бошқача айтадиган бўлсак, ҳар ким ўзи учун яшашга, ўз манфаатини ўйлашга ҳаракат қилади. Шарқда коллективизм кучли. Одамлар бир-бирига суяниб ва бир-бирини қўллаб яшашга одатланган. Буни талай мисолларда кўриш мумкин.

Биласиз, бу йил ёз Европада жуда иссиқ келди. Оммавий ахборот воситалари Францияда мингдан ортиқ одам иссиққа чидай олмай нобуд бўлганини маълум қилди. Уларнинг аксарияти кексалар бўлган. «Евроньюс» телеканалининг хабар қилишича, баъзи қариялар ҳатто «тез ёрдам» чақиришга ҳам улгуролмай қолган. Нега Франциядек инсонпарвар, юксак тараққий этган мамлакатда шундай бўлди? Кексаларга тиббий ёрдам кўрсатиш шунчалик қийинмиди? Гап шундаки, ўша қарияларнинг деярли ҳаммаси сўққабош бўлган. Бир боласи бир шаҳарда туради, иккинчиси бошқа шаҳарда... Хўш, қўшнилар-чи? Нега унинг ҳолидан хабар олмайди? Йиллар давомида шаклланган урфга биноан қўшни қўшнининг шахсий ҳаётига аралашмайди. Шахс эркинлигига дахл қилмайди. Башарти икки қўшни эрталаб тўқнаш келиб қолсаю, бири иккинчисидан қандай ётиб-турганини суриштирса, уни ранжитиб қўйиши ҳеч гапмас. Ким қандай ётиб туриши шахсан ўзининг иши!

Маҳаллада эса эрталаб ишга кечикиб типирчилаб турган одам ҳам саҳарлаб дарвозасининг олдини супираётган кампирни кўриб қолса (қайси миллатга мансублигидан қатъий назар) ҳол-аҳвол сўрашга вақт топади. Ҳатто «кеча кичик набирангиз йўталиб турувди, тузалиб қолдими, дори-пори керакмасми?» дейишни ҳам унутмайди. Бу — шунчаки мансизрат учун айтилган гап эмас, одамларнинг бир-бирига ҳамроҳлиги, қийин пайтда қўлидан келган ёрдамни дариғ тутмаслигини исботловчи далилдир. Албатта, оқибат фақат бизда бор, бошқа жойларда йўқ, десак, тўғри бўлмайди. Бироқ ўзаро меҳр-оқибатдан кўра ҳисоб-китоб биринчи ўринда турадиган юртлар оз эмаслиги ҳам бор ҳақиқат.

Чет элда кўп йил ишлаган дўстим ўзи гувоҳ бўлган воқеани айтиб берган эди. Бир оилада ота-она ва ўғил яшайди. Ўғил вояга етган. Ишлайди, ота-онаси билан туради. (Ғарб учун унчалик хос бўлмаган ҳол).

Оилада ким қайси харажатни зиммасига олиши аниқ белгилаб қўйилган. Ота-она уйнинг ижара ҳақини, коммунал хизмат пулини тўлайди. Электр пулини тўлаш эса ўғилнинг зиммасида. Кунлардан бирида ўғил икки ойлик хизмат сафарига кетади. Қайтиб келиб қараса, унинг банкдаги ҳисоб рақамидан икки ойлик электр ҳақи босиб қолинибди. Ўғил отасини судга беради. Нимага энди ўзи ёқмаган чироқ учун пул тўлаши керак? Суд электр ҳақини отадан болага ундириб беради. Боз устига ўғлига маънавий зарар етказгани учун отага жарима солади...

Бу ҳолат ҳеч кимни ажаблантирмайди. Бундай судлашувлар тез-тез бўлиб туради. Худо асрасин, мабодо бизда шундай воқеа бўлса эл-юрт, маҳалла-кўй бунақа фарзандни тавқи-лаънат қилади.

Бу гапларни айтишдан мурод инсоний муносабатлар Шарқда зўр, Ғарбда «мундайроқ», ёки аксинча, Ғарб рисоладагидек, Шарқда «мундайроқ» дейиш эмас. Беруний ҳазратларининг гапини такрорлайдиган бўлсак, бундай дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам йўқ. Зеро, ҳар бир халқнинг ўз менталитети бор. Ҳар ким дунёга ўз кўзи билан қарайди.

Афсуски, баъзи халқаро ташкилотлар, биздаги фуқаролар йиғинини чуқур тушуниб етмагани ёки баъзи одатларимиз уларга аз-баройи «ғайритабиий» кўрингани учун ноxолис, бирёқлама чиқишлар қилмоқда. Албатта, биз ўз шаънимизга айтилган танқидий фикрларни (улар жаҳл билан айтилган бўлса ҳам) ақл торозусига солиб кўрсак, уларнинг адолатли жиҳатларини ҳисобга олиб, хулоса чиқарсак ёмон бўлмайди. Лекин маҳалла фаолиятидаги айрим ҳолатлар «танқидчи»га бегона туюлгани учун билар-билмас қораланса, буни холис баҳо деб бўлмайди. Масалан, ўзбек маҳалласи аёлларга паст назар билан қарайди, хотин эридан ажрашмоқчи бўлса, маҳалла оқсоқоллари унинг судга боришига тиш-тирноғи билан қаршилик қилади ва шу тариқа хотин-қизлар ҳуқуқини паймол этади, қабилидаги гаплар ўзбек хонадонига, ўзбек аёлига, юмшоқ қилиб айтганда, эриш туюлиши, табиий.

Шубҳасиз, инсон эрки, ҳуқуқи ҳамма нарсадан устун. Демократиянинг бош тамойили шу. Дейлик, Ғарбда эр хотинига бир оғиз ҳақоратли сўз айтса ёки палакат босиб қўл кўтариб қолса борми, хотин ўша заҳоти адвокатини чақиради ва эрини судга беради. Эр «жонивор» шунчаки, ажрашиб қутилса-ку хўп-хўп, хотин оёғини тираб олса, бир неча йилга қамалиб кетиши мумкин. Хўп, ўртадаги гўдакнинг ҳоли нима кечади? Нима бўларди. Эр қамоқдан чиққунча бола анча катта бўлиб қолади. Сўнг хоҳласа ота билан, хоҳласа она билан яшаши мумкин. Башарти хотин бошқа турмуш қуришни ихтиёр этса, бу — унинг шахсий иши. Болани тарбиялаш учун интернатлар, етимхоналар етарли. Аёлдир, эркакдир, ҳар ким ўзи хоҳлаган одам билан бахтли яшашга ҳақли. Инсон ҳақ-ҳуқуқи шуни тақозо этади. Ҳар ким ўз ҳаётини ўзи қуради!

Бизнинг аёллар хў-ў-п андишали, хў-ў-п бардошли-да, барака топгурлар! Уззу-кун меҳнатдан боши чиқмайди. Ишдан шоша-пиша келиб уй юмушларига куйманаланади. Овқат қилади, болаларига қарайди, кир ювади. Эътироф этишимиз керак: эркакларимиз орасида «феодаллик»ни унутишга улгурмаган «бойваччалар» йўқ эмас. Раҳмат дейиш ўрнига аёлига ўдағайлайди эррайим! Ҳатто қўли қичиброқ турган бўлса...

Бундай пайтда аёл нима қилади? Адвокат чақирмайди. Судга югурмайди. Маҳаллага чиқади. Маҳалладаги хотин-қизлар комиссияси нима қилади? «Чиройли қилиб ариза ёзинг, бунақа баттол эрни қаматиб юборамиз», дейдими? Ёки аёлнинг қўлидан етаклаб, маҳалла посбонини ёнига олиб, эрни КПЗга тиқадими? Йўқ, эр-хотинни муросага чақиради. Ҳатто иш судга бориб тақалганда суд ҳам фарзандли оилани ажратиб юборишга шошилмайди. Ўйлаб кўриш учун муҳлат беради. Албатта, аёл эри билан туришни хоҳламаса, маҳалла оқсоқоли уёқда турсин, суд ҳам аёлни бундай эр билан яшашга мажбур қилолмайди ва қилмайди ҳам. Бироқ аксарият ҳолларда оилани сақлаб қолиш учун бор имкониятлардан фойдаланилади. Нима бу? Феодалликми? Аёл ҳуқуқини паймол қилиш, ғайриинсонийликми? Ҳа, Ғарб нуқтаи назаридан қараганда шундай. «Танқидчиларимиз» ҳақ.

Энди масалага бошқа томондан қараб кўрайлик. Дейлик, эр-хотин ажрашди. Иккаласи икки томон кетди. Инсон ҳуқуқи «паймол қилинмади». Бироқ тез орада эр қилмишига пушаймон бўлса-чи? Аёл эрини севса, шошқалоқлик билан турмушини бузганидан ўкина бошласа-чи? Хўп, буларни ҳам қўятурайлик. Оиладаги яна бир инсон — норасида гўдакнинг қисмати қандай бўлади? Уй-жойни иккига бўлиш мумкин, мол-дунёни иккига бўлиш мумкин. Болани қандай қилиб иккига бўласиз? Ёинки, бошқа йўлдан борилгани маъқулмикан? Бола «Меҳрибонлик уйи»дан қўним топса, шу билан олам гулистон бўлармикин? «Меҳрибонлик уйи»да кўраётган меҳрини она муҳаббатига, ота эътиборига алишолмай кўчага кўз тикиб ўтирган гўдак қалби охир-оқибат меҳр эмас, қаҳрга тўлмасмикан? Бола тошбағир ва худбин бўлиб ўсмасмикан?

Бир неча йил аввал чекка вилоятдаги «Меҳрибонлик уйи», росмана тилда айтадиган бўлсак, етимхонага борганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳаммаёқ ораста, ҳаммаёқ озода... Тарбиячилар меҳрибон, болажон одамлар экани кўриниб турибди. (Зеро, бундай жойда бемеҳр одам ишлолмайди ҳам). Хуллас, болалар бизга концерт қўйиб беришди. Шунда галати манзарани кўрдим. Болакайлар шўх-шўх қўшиқ айтяптию, йиғлаётганга ўхшайди. Қизалоқлар рақсга тушаяптию, кўзларида мунг бор, алам бор, ўкинч бор... Бир қизалоқнинг оёғидаги туфличаси икки хил... Томошадан сўнг етимхона дафтарига дастхат ёзиб беришни сўрашди. Умримда кўп дастхат ёзишга тўғри келган. Китобга, сурат остига, альбомга... Аммо шу паллада дастхат ёзиш жуда оғир юмуш эканига ақлим етди. Узоқ ўйланиб қолдим. Сўнг ёздим.«Шу даргоҳдаги болакайларнинг ота-онаси ҳаётдан ўтган бўлса, Худо раҳмат қилсин. Тирик бўлса, юзи қаро бўлсин, қаро бўлсин, қаро бўлсин!». Балки бу — қаттиқ айтилган гапдир. Лекин менинг ўрнимда бўлсангиз, сиз ҳам шундай деб ёзган бўлардингиз...

Келинг энди, маҳалла оқсоқоллари аёл ҳуқуқини қандай «камситаётгани», «инсон эркини қанчалик бўғаётгани»га қайтайлик. Эр-хотинни ажралишдан тийилишга ундайдиган «феодал» маҳалла, «қонунни билмайдиган» суд биринчи галда бола манфаатини ўйлайди! Боланинг кўз ёшини оқизманг, гўдакни тирик етим қилманг, охири ўзингиз аттанг деб қоласиз, дейди... Бунинг оти инсон эркини бўғиш деб аталса, атала қолсин! Бунақа одатларимиз бировларга эриш туюлса, начора? Турмушнинг илк синовларига дош беролмай ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларни яхшилик билан йўлга солгани учун айнан шу оилаларнинг ўзидан самимий миннатдорчилик эшитган фуқаролар йиғинлари беҳисоб. Биз учун табиий бўлган, айрим «танқидчиларимиз» учун эса «қолоқлик» бўлиб кўринадиган яна аллақанча одатларимиз бор. Масалан, «инсон ҳуқуқи ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган» баъзи юртларда ёш қиз бегона эркакни уйига бошлаб келиб, отасининг кўз ўнгида «ишқибоз»лик қилса, ота унинг ички ишларига аралашмай қўяқолади. Қизи ёш боламас, уч кун аввал вояга етди ахир! Бизда «бир қизга етти қўшни оталик қилади», деган қоида бор. Бирон қиз кўчада бегона эркак билан ҳиринглашиб турган бўлса, нариги кўчада яшайдиган қўшни унга қаттиқ дашном беришга ҳақли. Қизнинг ота-онаси қўшнисига минг раҳмат, дейди. Оила номусини, маҳалла обрўсини ҳимоя қилгани учун! Бирон йигитча панароқ жойда нашавандлик қилаётган бўлса, биров билан ёқалашаётган бўлса, маҳалланинг хоҳлаган одами уни тергаши, қўлидан етаклаб ота-онасининг олдига олиб келиши мумкин. Ота-она «менинг болам каппа-катта йигит бўлиб қолди, қандай «мош ейиши» билан нима ишингиз бор?» демайди. Йигитчани тўғри йўлга солгани учун миннатдорчилик билдиради.

Кимларгадир бу — инсон эркини бўғиш бўлиб туюлиши мумкин. Маҳалла учун эса бу — шаклланган удум. Булар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари зиммасидаги ўнлаб, юзлаб юмушлардан бир мисқоли, холос. Албатта, маҳаллалар фаолиятида кемтиклар йўқ, демаймиз. Инсоф билан айтганда, ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятида камчиликлар ҳам бор. Кам таъминланган оилаларга давлат томонидан ажратилган ёрдамни ўз эгасига бермаётган маҳаллалар ҳам, замон талабидан орқада қолиб кетган, фуқаролар йиғини деганда фақат тўйларни ўтказишу, чойхонада савлат тўкиб ўтиришни тушунадиган оқсоқоллар ҳам бор. Маҳалла раисига «юқоридан туриб» муомала қиладиган, қўйиб берсангиз уларни «дастёр»га айлантириб олишдан тоймайдиган идоралар ҳам йўқ эмас... Лекин, яхлит олганда, фуқаролар йиғини узоқ тарихга эга бўлган, ҳамиша яшаб келган, бундан кейин ҳам яшайдиган, бутун мамлакат қисматида катта ўрин тутадиган тирик организм эканини ҳеч ким инкор этолмайди.

«Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ҳикмат тагида нақадар катта маъно борлигини исботловчи яна иккита кичик мисол. Дейлик, хонадонингизга азиз меҳмонлар келди: сиз туғилган кунингизни нишонлаяпсиз. Ҳовлингизнинг бир чеккасида кабоб-шашлик пиширдингиз. Оилангиз бекаси секин келиб қулоғингизга шипшийди. «Кабоб тарқатишдан олдин иккитагина сихни ажратиб қўйинг: қўшнининг келини бошқоронғи», дейди. Бунинг оти нима деб аталади? Бунинг оти ҳали инсон туғилмасданоқ унга меҳр кўргазиш дейилади.

Иккинчи мисол. Маҳаллада икки киши ғижиллашиб қолди, дейлик. Униси ҳам ўзича ҳақ, буниси ҳам. Жим турсангиз жанжал катталашиб кетадиган. Шунда эсли бир одам дашном беради. «Ҳай-ҳай, биродарлар, тобуткашсизлар-а, бир гапдан қолинглар!» дейди. Ёниб турган «олов» тезда ўчади. Бунинг отини нима деб аташ керак? Бунинг оти инсон ҳатто ҳаёт билан видолашгандан кейин ҳам унга маҳалла керак, меҳр-оқибат керак, деган маънони англатади!

Маҳалла — ана шундай ноёб тушунча!

## Ёзувчилар пахта далаларида

# СИРДАРЁДЕК МАВЖЛАНАР... ХИРМОН



Боёвут туманининг кумушдек мавжланиб ётган пахтазорларини оралаб борамиз. Йил ўн икки ой даласида тер тўкиб меҳнат қилган, ёруғ ниятларини дилига жо этган деҳқон бугунги кунда меҳнатининг самарасини кўриб турибди. Туман пахтакорлари давлатга 43.200 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 27,2 центнерга етказишмоқда. Лекин шу кунгача тарозига тушгани-ю, ҳали пайкалдаги биринчи терими ҳам терилмаган майдонларни чамалаб турган боёвутликлар режадагидан анча мўл хирмон кўтаришга умид қилишмоқда. Ана шу юксак хирмонга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган, шартнома режаларини бажарган, аммо терим суръатини асло бўшаштирмаётган фермер хўжаликлари ва ижара пудратчилари куну тун далада. Чунки уларнинг далаларида ҳали ҳосил мўл. Шу кунгача туман хирмонига “Мурод” (Ш. Муродов) фермер хўжалиги 146,5 тонна, “Қоракўл” (М. Раҳматов) фермер хўжалиги 89,1 тонна, “Ашраф Алимов” фермер хўжалиги 75,3 тонна, “Али Жамол” (Т. Жумабоев) фермер хўжалиги 73,1 тонна, “Янги ҳаёт” (Б. Жулбеков) фермер хўжалиги 66,7 тонна “Ғайратбек” (Ш. Ашуралиев) фермер хўжалиги 60,0 тонна, «Аҳмадий» (Б. Кенжаев) фермер хўжалиги 44,4, «Бермурод бобо» (А. Турдиев) фермер хўжалиги 42,4 тоннадан ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳаммаси ўртача ҳосилдорликни 30-31 центнердан оширган. Ҳозирги кунгача 40 дан ортиқ фермер хўжаликлари режани уддалашди.

Терим суръатининг жадал боришида фидойи механизаторларнинг хизматлари катта. Шу кунгача 159 тонна пахта терган “1-Боёвут” ширкатлар уюшмаси механизатори Собир Бегимқулов 98 тонна пахта терган Ихтиёр Қаршибоев, 95 тонна пахта терган “3-Боёвут”лик Бозор Сулаймонов, 90 тонна пахта терган Нурмуҳаммад Йўлчўраев, шунингдек, Нарзулла Элмуродов, Абдуғаффор Шодиевлар пешқадамликни қўлдан бермаётирлар, улар кунига хирмонга 8-10 тоннадан ошириб пахта тўкишмоқда.

Боёвутнинг хирмонига чевар, чаққон теримчилар – опа-сингилларимизнинг қўшган ҳиссалари ҳам залворли. Шу кунгача терган пахталари 5-6 тоннадан ошиб кетган, айни кунларда ҳам 120-160 килограммдан оқ олтин тераётган Малоҳат Собирова, Зулайхо Холиқова, Ойтўти Ҳайитбоева, Тожинисо Маманазарова, Интизор Раҳмонқулова, Ширин Маматова, Зоҳида Отабоева, Раъно Шодиева, Шоҳиста Муродова, Лола Носирова, Айсара Ашуралиева каби теримчи сингилларимизга “Сеҳргар, нозик бармоқларингиз, оламни гўзалликка буркагувчи қўлларингиз толмасин, сиз далага чиқсангиз, далаларга муҳаббат, гўзаллик чиқади, нафосат, садоқат чиқади. Сизнинг ортингиздан дарёлар эргашади. Сиз чорласангиз тоғлар қўзғалади, ўғилу қизларингизни қанотингизга олиб қилаётган меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, илойим”-дедик.

Боёвутнинг нуқра пахтазорларини кезиб, меҳнат аҳли шаънига тасаннолар айта-айта, “1-Боёвут” ширкат уюшмасининг 4-бўлимида тўхтадик. Бобоқуёш айни тиккага келган, бўлимга ҳашарга чиққан тумандаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабалари тушликда пахтазорга қараб кўзингиз қамашади. Ёшларнинг шўх кулгулари, ҳазил-мутойибалари, улар кўнглидаги меҳнат нашидаси далага ўзгача шукуҳ, ўзгача тароват бахш этган. Шундоққина пахта даласининг бошидан оқиб ўтаётган ариқдаги тиниқ сумбула сувида юз-кўзларини чайган йигит-қизлар шўх, жозибадор қўшиқлари оҳанги остида хуш кайфият билан тушликка ўтирадилар. Улар ҳузурига “Истиқбол” газетасининг ижодкорлари, боёвутликларнинг севимли ҳофизи Ҳасанжон Худойбердиев бошлиқ санъаткорлар ташриф буюришган. Туман газетаси муҳаррири Орзу Абдусамадов, туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Мирзақобилов, хўжалик раҳбари, уста пахтакор, жонкуяр раҳбар, ҳамиша янгиликка интилиб яшайдиган, тиниб-тинчимас деҳқон Ғофуржон Алиевлар билан шу ерда кўришдик.

“1-Боёвут” Сирдарё вилоятидаги энг юқори ҳосилли хўжалик. Бу йил хўжалик деҳқонлари ғалладан режадаги 41, 2 центнер ўрнига 44, 6 центнердан хирмон кўтардилар. Аҳолига 1000 тонна ғалла берилди. Хўжалик аъзолари бу йил режага асосан давлатга 9318 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 29 центнерга етказишлари керак. Лекин улар 33-34 центнерни кўзлашмоқда. Чунки даладаги ҳосил шундан далолат бериб турибди.

Шу ўринда хўжалик раҳбари, камгап, камсуқум, камтарин инсон Ғофуржон Алиевнинг ибратли ишлари ҳақида икки оғиз сўз. У тумандаги бир қатор хўжаликларда раҳбар бўлиб ишлади. Қаерда ишламасин ҳосилдорликни кўтарди, ҳамиша пешқадам бўлди. Элнинг дуосини олди, ҳеч ким ундан норизо бўлмади. Туман ҳокими бўлди. Ғофуржон ака билан суҳбатлашар экансиз, сизнинг ҳам руҳингизни кўтариб юборади. У ҳамқишлоқлари ҳақида мароқ билан сўзлайди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

– Ҳидир ака Алматов ажойиб деҳқон. Ўн беш нафар фарзанди бор. Шу киши нима экса, Худо баракасини беради. Ўтган йили 20 гектарга пахта экувди, биринчи теримдаёқ 45 центнердан ҳосил йиғиб олди. Буғдойини йиғиб олиб, ўрнига кечки картошка экканди, ё қудратингдан, ҳар картошка чақалоқнинг бошидек бўлиб берса-я...Ана шунақа гаплар... шуларга суяниб ишлаб юрибмизда,-деди Ғофуржон.

Беш оға-ини Жўраевлар пудрат шартномаси билан буғдой экишганди. Шартнома режаси бажарилгач, ака-укаларнинг ҳовлисига 18 тонна – учта КамАЗда буғдой тўкилди. Хўжалик деҳқонлари Оллоҳга шукроналар айтиб, Ғофуржонни дуо қилишади. “Донога эргашсанг, довондан ошасан”, деганлари шу-да!

Хуллас, боёвутликларнинг ишлари билан танишар эканмиз, ниҳоятда мамнун бўлдик.

... Тушлик пайти гурунг қизиди, шеърлар ўқилди, қўшиқлар рақсларга уланди. Шу қишлоқнинг ёш ижодкорлари Наргиза Дадабоева ва Ситора Бордибоевалар ўзларининг машқларидан ўқиб бердилар. Илғор теримчиларга мукофотлар топширилди. Бир олам таассуротлар билан қайтарканмиз, Бобо Қуёш ғарбга оғиб қолган, лекин пахтазорни тарк этишни истамагандек, ҳароратли нурини сочарди.

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**
**Дилбар САИДОВА,**
**ёзувчи.**
**Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,**
**шоира.**
**Ҳамроқул РИЗО,**
**шоир.**

## Суд-ҳуқуқислоҳоти

*Ҳаётга тадбиқ этилаётган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилици муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун икки йил мабойнида умуминсоний қадриятларга, халқимизнинг тарихий анъаналарига асосланганлиги, бағрикенглик ва инсонпарварликни ўзида мужассам этганлигини исботлади.*

# ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАРГА ТАЯНИБ

Маълумки, мустабид даврда суд репрессия ва қўрқитув асосида қурилган жазолаш идораси эди. Негаки, ўшанда ашаддий жиноятчи-рецедивистга ҳам, билиб-билмай адашиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳаракат содир этганга ҳам, эҳтиётсизлик орқасидан фалокат босганга ҳам бир хил жазо тайинланган. Мурувват кўрсатиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Қилмишидан пушаймон бўлган, тузалиш йўлини ихтиёр этганларга заррача имконият қолдирилмасди. Барчасига “жиноятчи” тамғаси босилиб, судланганлар сони кўпайиб бораверган. Янги қонунда бу ҳолларга барҳам берилди. Аҳамиятли томони шундаки, янги қонунчиликда мол-мулкни мусодара этиш бекор қилинди. Бу эса демократлаштириш ва либераллаштирилишнинг юксак кўриниши бўлди. Айни пайтда, иқтисодий жиноят содир этганларга нисбатан иқтисодий жазо чораси қўллашнинг танланиши, жуда одиллик касб этди. Натижада бу жазо турининг амалиётга татбиқ этилиши кескин ортди. Шу ўринда кўрсаткичларни таҳлил қилсак. Бухоро вилояти судлари томонидан ўтган йилда 277 ҳолатда жарима жазоси қўлланилган бўлса, бу рақам жорий йилнинг олти ойи мабойнида 178 тани ташкил этди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ундан шахсий манфаати йўлида фойдаланиб келган Ҳалим Сафаров ва бошқаларни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми, 205-моддаси 2-қисми ва 209-моддаси 2-қисми тегишли бандлари билан айблаш тўғрисидаги жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳолатларига қараганда, Олот туманидаги “Олот” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси лавозимида ишлаган Сафаров ферма мудири Ботир Андаев ва чорва ҳисобчиси Умрзоқ Қурбоновлар билан ўзаро хуфёна тил бириктирган. Иш бўйича жами 15 нафар фуқаро жиноий жавобгарликка тортилган. Улар орасида мансабдордан тортиб оддий чўпонгача бор. Ширкат хўжалигининг мулки ҳисобланган жами 931 қўзи гум қилиниши оқибатида жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилган. Мазкур иш суд мажлисида кўрилиши жараёнида етказилган зарар тўлиқ қопланди. Айбланувчиларнинг аксариятига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораси қўлланилди.

Худди шунингдек, айнан шу модда, шу қисм ва банд бўйича жавобгарликка тортилган Ғайбулло Исмоилов бошчилигидаги гуруҳнинг иши юзасидан “Бухоронефтгазпармалаш” ҳиссадорлик жамиятига етказилган 103 миллион сўмлик зарар ундирилгани натижасида беш нафар шахсга нисбатан эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан озод этилди. Шахсий манфаат гирдобида қолган, ушбу жиноят ишига алоқадор мансабдорлар ўз ваколатларини суиистъемол қилиб, корхонага ишга яроқсиз бўлган электр асбоб-ускуналарни харид қилиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан талон-торожликларга йўл қўйган эди.

Илгари жиноят оқибатида етказилган моддий зарар ихтиёрий қопланганда озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик Жиноят кодексининг еттита моддасида белгилаб қўйилган эди. Эндиликда бу масала ўн икки та моддада аниқ акс этди. Шу боис етказилган зарарни ихтиёрий қоплаш ҳолатлари ортиб бораётгани кузатилмоқда. Бу ўзгаришлар нафақат тергов ва суд жараёнини тартибга солишга, балки фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясига кафолат яратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Жиноят қонунчилигидаги либераллаштирув яна кўплаб жараёнларда самара бераётганлигини, шахсни қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликдан озод қилиш фақат яхшиликка хизмат қила бошлаганини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Жиноят кодексининг 26-моддасида акс этган, 32 турдан иборат жиноятлар бўйича агар тарафлар ўзаро ярашса ва ўртадаги зарар бартараф этилса, шахс ўз қилмишини англаб етса ва чин дилдан пушаймон бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилиб, иш суд томонидан тугатилиши ҳақидаги қоиданинг киритилиши самарасидир. Мазкур ҳолат жамиятда сунъий равишда шаклланувчи “судланган”лар сафини камайтиради, авлодлар тақдирига таъсир этувчи оқибатлардан халос этади. Қолаверса, ортиқча суд-тергов ҳаракатларидан, шу билан боғлиқ харажатлардан, бекорга сарфланадиган меҳнат ва вақтдан ютади, тергов ва суд жараёнларини тезлаштириш ва соддалаштиришга хизмат қилади. Одамларни оқибатли бўлишга даъват этади. Бир мисол: шу йил 16 апрель куни Исмоил Самоний номли истироҳат боғида Алишер исмли йигит Карим Худойбердиев билан ўзаро жанжаллашиб муштлашишди. Натижада Алишер Норов тан жароҳати олади. Суд жараёнида томонлар ўз қилмишларини тушуниб етгани, бир-бири билан ярашгани туфайли иш ҳаракатдан тугатилди.

Ўтган давр ичида ўзаро жанжаллар оқибатида бир-бирига тан жароҳати етказган, туҳмат қилган ёки ҳақоратлаган, кўп бўлмаган миқдорда мулкни ўзлаштирган ёки камомадга йўл қўйиш билан талон-торож қилган, йўл ҳаракати ёки транспортдан фойдаланиш қоидасини бузган қатор жиноят субъектлари жабрланувчи ёхуд зарар кўрган тарафнинг розилиги ҳамда ўзаро ярашиб, зарарни тўла қоплаганлиги натижасида жиноий жавобгарликдан озод қилинганлик ҳолатларига етарлича мисол келтириш мумкин.

Яқинда изчил ислоҳотларнинг янги босқичи сифатида мазмун-моҳиятига кўра яна бир муҳим қадам қўйилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш мақсадида “Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»»ги Президент Фармони эълон қилинди. Бу билан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилганлар жазони ўташ даврида оилаларидан деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жаҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши билан боғлиқ ўзгаришларни амалиётга татбиқ этишда ҳалол ва малакали ёндашув ҳар бир мутахассиснинг янада масъулиятли, билимли ҳамда виждонли бўлишини талаб этади, албатта.

**Шерали РАҲМОНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Бухоро вилоят судининг**
**раиси.**

## Самбо

# Самбочиларимиз Россиядан қуруқ қайтишмади

**6-10 ноябрь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида самбо бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллиги ҳамда самбо курашининг 65 йиллигига бағишлаб ўтказилган турнирда дунёнинг 80 дан ортиқ давлати вакиллари иштирок этишди.**

**Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказининг хабар беришича, 52 килограмм вазн тоифасида кураш олиб борган Шавкат Жўраев кумуш медаль соҳибига айланган. 74 килограммли полвонлар баҳсида яна бир ҳамюртимиз Акром Ишов учинчи ўринни қўлга киритган.**

## Бадиий гимнастика

# «Олтин япроқлар» мусобақасида олтин медаль

**Москвада бадиий гимнастика бўйича ўтказилган “Олтин япроқлар” халқаро турнирида Россия, Беларусь, Словения, Болгария сингари мамлакатларнинг спортчиларига қарши баҳс олиб борган ёш маликаларимиз муваффақият қозонишди. Ўзбекистон бадиий гимнастика мактабининг ёш вакиласи Ульяна Трасимова Россия пойтахти спорт мажмуасига йиғилган мутахасису, томошабинларни лол қолдириб, 3 та олтин медаль эгасига айланди. Шунингдек, Рита Алимова, Мая Силлипова, Зарина Израилбекова ва Моҳости Жўраева сингари ёш гимнастикачиларимиз ҳам медалли бўлишди. Улар “Олтин япроқлар”нинг учинчи мукофотига лойиқ деб топилдилар.**

## Волейбол

# Чемпион яна чўққини кўзлаяпти

**Бухорода эркаклар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи давра ўйинлари бошланди. Бу йилдан суперлига мақомини олган чемпионатда 6 та жамоа баҳс олиб боряпти. Ўтган куни “Ёшлик” спорт мажмуида бўлиб ўтган дастлабки кунги ўйинларда амалдаги чемпион – Самарқанднинг “ЎзИ-Самтелеком” жамоаси бу йилги мусобақаларни ҳам ғалаба билан бошлади. Фарғонанинг “Ниҳол” жамоасига қарши кечган ўйинда самарқандликлар 3:0 ҳисобида устун келишди. Олмалиқ кон металлургия комбинатининг волейболчилари эса Наманганнинг “Парвоз” клубини худди шу ҳисобда мағлубиятга учратишди. “Динамо” (Андижон)-“Кеш” (Шаҳрисабз) жамоалари учрашувида қашқадарёликларнинг қўли баланд келди.**

**Мусобақалар давом этмоқда.**

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**




«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» давлат акциядорлик компанияси

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 11 декабрь куни соат 10.00да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.

КУН ТАРТИБИ:

*1. «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси акциядорлик жамиятларини унинг таркибидаги филиал тариқасида қайта тузиш тўғрисида.*

*Навбатдан ташқари умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 10 ноябрь ҳолатига тузилган.*

*Акциядорлар реестри 2003 йил 10 ноябрь ҳолатига ёпилади.*

Акциядорлар маълумотлар билан қуйидаги манзилда танишишлари мумкин:
Тошкент ш., Амир Темур 1-тор к., 2-уй, «Ўзбекистон почтаси» ДАК бошқаруви.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 9.00дан 10.00гача амалга оширилади.
Акциядорларда паспорт ҳамда нотариал тасдиқланган ишончнома бўлиши шарт.

«Ўзбекистон почтаси» ДАК кузатув кенгаши.

«Самарқанд дори-дармон» ДАБси *бўйича муҳим ахборот*

Ахборот тартиб рақами – 07

Мажлисга қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати бирлашма кузатувчи кенгашининг 2003 йил 24 октябрдаги қарорига асосан тузилган.

Ахборот тартиб рақами – 09

Умумий йиғилиш тури – ***навбатдан ташқари.***
Умумий йиғилиш ўтказиш тартиби – ***юзма-юз.***
Умумий йиғилиш ўтказилган вақт – ***2003 йил 7 ноябрь.***
Умумий йиғилиш ўтказилган манзил: ***Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 134-уй.***
Умумий йиғилиш кворуми – ***29990 овоз берувчи акция – 66,47%.***

КУН ТАРТИБИ:

1. «Самарқанд дори-дармон» ДАБ тафтиш хайъати аъзолари таркибини қайта сайлаш.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига асосан бирлашма устав сармоясидаги давлат улушини 25% миқдорида тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарорига асосан умумий йиғилиш, кузатувчи кенгаш, тафтиш хайъати тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш.

***1. 1-савол бўйича қарор.***

1. Бирлашма тафтиш ҳайъатининг янги таркиби қуйидагича тасдиқлансин: Қушмонов Х., Бобомуродова К.К., Жалилов Б. *Овоз бериш натижалари: «розилар» – 29990 дона ёки 100%, «қаршилар» ва «бетарафлар» – йўқ.*

***2. 2-савол бўйича қарор.***

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига асосан бирлашма устав сармоясидаги давлат улуши 25% миқдорида тасдиқлансин. *Овоз бериш натижалари: «розилар» – 29990 дона ёки 100%, «қаршилар» ва «бетарафлар» – йўқ.*

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарорига асосан умумий йиғилиш, кузатувчи кенгаш, тафтиш хайъати тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш. *Овоз бериш натижалари: «розилар» – 29990 дона ёки 100%, «қаршилар» ва «бетарафлар» – йўқ.*

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
BANK

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

*Ибрат*

# КИТОБ ЙИҒАЁТГАН ОДАМ



*Уни биринчи бор кўрган одам анча димоғдор бўлса керак, деб ўйлаши мумкин. Тўғриси, ўзига бино қўйганроқ, юз қиёфаси жиддий, нигоҳи тўрида чақин чаққандай шиддат жо бу йигит қаршисида дастлаб мен ҳам шундай хулосага келгандим. Сипо. Кийиниши рисоладагидай. Қўлида чарм папка. Обрўй идоранинг раҳбари, иш юритувчисига ҳам ўхшаб кетади. Суҳбат асносида қизишмайди, ҳамгурунгини тинглаб туриб, жойи келганда қисқа ва лўнда гап қилади. Вазмин.*

Хуллас, мен бу ораста йигит билан суҳбатлашиб, дастлабки учрашувдаёқ унга ҳавасим келди. У журналист эканлигимни айтмасам ҳам эътироф этди, ёзган китобларим — шеъру қиссаларимни санаб берди. Очиғи, кўнглимга ёруғлик инди.

Шу-шу йигит билан дўстлашиб қолдик. Ҳафтада бир-икки маротаба қўнғироқ қилиб тураман. Зиёли, дунё кўрган оғайнимнинг ёзувчи халқини жон-дилидан севиши, ҳурмат қилиши, менинг кайфиятимни янада кўтаради, денг. Унинг бир хислатини айтмасам бўлмас, шу фазилати боис ҳам ошнамга нисбатан меҳрим ўн чандон ошди.

У китоб йиғади. Адабиётнинг ашаддий шайдоси. Лекин, у ўзини уларнинг даврасига уравермайди, суйкалибнетиб танишавермайди, истиҳола қилади.

Адабиёт оламининг ихлосманди бўлгани билан дўстим мутлақо бошқа соҳанинг одами. У иқтисодчи. Дарвоқе, мен уни сиз билан таништирмабман; Муҳаммадали Эшназаров — Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида катта ўқитувчи. Талабаларга халқаро туризм менталитети бўйича сабоқ беради. Ёши ўттиз бешда.

Қизиқ жойи, юқори лавозимда ишлайдиган кишилар орасида дўсти-ёрлари жуда кўплигига қарамасдан, боя айтганимиз каби ўзи ҳамма соҳанинг одамларидан-да кўпроқ яхши кўрадиган ёзувчи-шоирлар билан алоқаси йўқ ҳисоби эди. "Уларнинг салобати босади. Шунақа асарлар ёзадиган адиблар билан суҳбатлашиш учун маънан тайёргарлик кўриш керак..." дейди у. Ғалати жойи ўзи Сурхондарёдан бўла туриб, сурхонлик адибларнинг ҳам деярли ҳеч қайсиси билан таниш-билишчилиги йўқ эди.

Муҳаммадалининг адабиёт мухлиси эканлигига бошқа бир томонлама ҳам қойил қолганман. Орадан ой-у йиллар ўтиб, мен уни яқиндан билиб олдим. Қачон қарама машинасининг орқа ўриндиғи китобга лиқ тўла бўлади. Пойтахтдаги барча китоб дўконларини ҳафтасига икки-уч айланиб чиқади. У китоб танлашни ҳам билади.

-Бир ҳафтада шунча китоб ўқийсизми?

-Ҳолимга яраша. Китоб оиланинг бойлиги. Мендан кейин болаларимга қолади-ю...

Кейинчалик Муҳаммадали билан кунора учрашадиган, тўй-ошларга, яхши-ёмон кунларга бирга борадиган бўлдик. Муҳаммадали ҳам таҳририятга тез-тез келиб туради. Бир куни денг, дўстларимиздан бирининг маракасидан қайтаётгандик, Муҳаммадали: "Шарқ зиёкори" китоб дўконига бир кириб ўтмаймизми?" деб қолди. Бордик. Эркин Аъзамнинг кейинги чиққан иккала китобидан 40 дона олиб машинага юклади. Усмон Азимнинг сайланмасидан ҳам 40 дона харид қилди. Мен миқ этмай кетаяпман. Унинг ўзи гап бошлади:

-Эркин аканинг китоби яқинда чиқибди. Усмон аканинг сайланмасидан аввал ҳам олгандим...

Туйқус хаёлимдан бир фикр ўтди. Сапчиб тушдим: "Демак, китобсотар экан, китобдан бизнес қилар экан-да... Ҳадеб ёзувчиларни мақтайверишининг сабаби буёқда экан-да..." Ўзимча бу ҳам тирикчиликнинг зиёлинамо кўринишида, деб ўйладим.

-Бунча китобни нима қиларкин, деб ўйлаяпсиз-а?

Ялт этиб қарадим. Кўнглимдагини уққанини қаранг.

-Сотасиз, - дедим чўрт кесиб.

У кулди.

-Йўқ. Буларни мактаб ўқувчиларига тарқатаман. Деновдаги ўзим ўқиган мактабимда кутубхона ташкил қилганман. Қишлоқ ёшлари ҳам зўр ёзувчиларимиз китобларини ўқисин-да, - дейди у самимий.

Кейин бир бошидан сўзлаб берди. Кутубхонада ўзбек адабиётининг барча вакилларининг деярли ҳамма китоблари бор экан. Жумладан Абдулла Қодирий, Ғафур Ғуломнинг асарлари, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовнинг сайланмалари, Ўткир Ҳошимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Ҳайриддин Султоновнинг китобларини ўқувчилар қўлма-қўл мутолаа қилишаяпти. Қайси нашриётдан бўлмасин, янги чоп этилган китобни, албатта, Муҳаммадали 20-30 талаб сотиб олади. Ўзи ташкил қилган кутубхонага топширади.

Бир куни Муҳаммадали шоир Сирожиддин Саййид орқали Омон Матжон билан гаплашиб қолганини айтди. Кўзлари порлаб, Омон ака юзта бадиий китоб совға қилишини айтганини гапириб берди. Хурсанд, кайфияти чоғ.

Ҳа, Муҳаммадали шундай йигит. Ҳозир бунинг ёшида тирикчилик, деб ўзини бизнесга урганлар қанча? Номигагина маънавият, маърифат, деб аслида қинғирликнинг тобини тоблаб юрганлар қанча? Пул деса томдан ташлайдиганлар, китоб десак кулгуси қистайдиган — китоб қорин тўйғизармиди, дейдиганлар қанча? Қизининг сепига миллион сўмлик гарнитур олиб, минг сўмлик китобни харид қилиш хаёлига ҳам келмайдиганлар қанча? Дунё фақат моддиётдан иборат, олам пул, маишат билан чароғон, керак бўлса, китоб ўқимасдан ҳам пул топиш мумкин, деган бадбин ўйлар гирдобида алаҳсиётганлар ҳам кам эмас.

Ҳозир Муҳаммадали тўплаган бадиий китобларнинг сон-саноғи йўқ. Энг муҳими, улардан ёш авлод баҳраманд бўлаяпти. Ўғил-қизларимиз тафаккури тиниқ тортаяпти.

Компьютерни ўзлаштириш, интернетга кириш, веб-сайтлар очиш ҳар бир кишининг шу мўъжизакор қутида электрон почтага эга бўлиши, умуман, дунё учун қизиқарсиз бўлиб қолди. Бу унчалик ваҳима қиладиган, ҳайрат билан чор-атрофга жар соладиган янгилик ҳам эмас. Очиғи, тараққиёт "эскирди". Компьютерда "чумчуқ овлаган" ёки компьютерда "космосга йўл олган" болакайнинг маҳорати олдида энди оғзимизни ланг очиб ҳам ўтирмаймиз. Агар ўша америкалик болакай АҚШ мактабларининг бирида цивилизация матоҳи компьютерни бошқариб ўтирганидан кўра, Эрнест Хемингуэйнинг "Чол ва денгиз" ёки "Алвидо, қурол!" асарини ўқиётгани анчагина ҳайратли ва шов-шувлироқдир. Бугун инсониятнинг илғор зиёлилари ўз келажаги — болалар олами китобдан узоқлашиб кетаётганини ўйлаб, қайғуга чўмаётганидан кўз юмолмаймиз.

Энди ўйлаб кўринг, Тошкентдаги мактаб ўқувчисининг ўз миллатининг истеъдодли ёзувчиси китобини мутолаа қилиши ҳам анчагина ёқимли ҳол эмасми? Ёки уйимизда телевизорнинг ичига кириб кетгудай бўлиб ҳар хил сериаллар, ҳатто ҳаёси кўтарилган мультфильмларни томоша қилгандан кўра, китоб варақлаши боламизнинг камолот сари интилаётганидан дарак бермайдими?

Ҳа, шундай гаплар. Муҳаммадалига ҳавасим келади. Энг муҳими, у миллатни китобга қайтариш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган масаласи эканини яхши англайди. Шунинг учун китоб йиғади. Бошқаларнинг ҳам китоб ўқишини истайди.

Энди англагандирсиз, Муҳаммадали Эшназаров нега китоб тўплашини-ю, нега кутубхона ташкил этганини. Қанийди, унга ўхшаш инсонлар кўп бўлса...

**Қўчқор НОРҚОБИЛ.**

*Спорт — бу саломатлик*

# Хайрли ишнинг индаллоси







Машҳур табиблардан Ҳусайн Рамзий айтади:

-Инсон учун энг азиз ва муҳтарам бўлган нарса кучли ва соғлом бадандир. Соғлом бадан бир улуғ хазинадирки, жамият учун фақат унинг ёрдами билан хизмат қилиб, зўр манфаат етказадилар. Соғлом бадан бир сармоядирки, қалам аҳллари унга таяниб жамиятни таълим ва тарбия этиш йўлида фойдали асарлар вужудга келтирадилар. Соғлом бадан улуғ бир қувватдирки, унинг кўмаги билан музаффар қўшинлар азиз Ватанларини душмандан қўриқлай оладилар.

Зеро, кейинги пайтларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Чемпион бўлиш, беллашувларда қатнашиш учунгина эмас, балки ҳар бир инсон аввало ўзининг, қолаверса оиласининг жисмоний ва маънавий соғлом, бақувват бўлиши, кайфияти, руҳияти ҳамиша тетик юриши учун спорт билан мунтазам шуғулланиши лозимлигини қалбан тушуниб етмоғи даркор. "Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча қабул қилган қарори мағзи ҳам ана шунда, асли.

Шу маънода яқинда Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти саъй-ҳаракати билан тайёрланган ва оммавий тарзда нашрдан чиққан кўргазмали плакатлар ўзининг ранглилиги, мазмунан бир бирини тўлдириши билан киши эътиборини тортади. "Растр" қўшма корхонасида босилган, 50x70 см. ҳажмли, тўрт минг нусхадаги бу плакатларда спорт — бу саломатлик, спорт — бу жисмоний бақувватлик, ақлий теранлик ва соғлом турмуш тарзи экани қайд этилади. Уларда спортнинг бир неча турлари намойиши акс этган. Ва ундан бир фикрни уқиш қийин эмас. Ёшликдан спорт билан шуғулланиш, унинг бирор турини эгаллаш, унга қизиқиш, алалхусус, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорян, Руслан Чагаев, Рустам Қосимжонов сингари миллатимиз ғурури, мамлакатимиз ифтихори бўлмиш мустақиллик фарзандларининг сафи янада кенгайишидан далолат беради.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


TRAST TA'MINOT
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
реализует со склада в Ташкенте
КАРБИД КАЛЬЦИЯ (пр-ва Казахстана)
Фракции ⌀ 25 ÷ 80
по ЦЕНЕ 700 сум/кг
Оптовым покупателям предоставляются СКИДКИ

ФОСФОХИМ закрытое акционерное общество
AZMOL
СМАЗКИ
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН (пр-ва России, Украины)
- Смазка 1-13
- Литол-24
- Фиол-1
- Графит. жир.
- ШРУС-4
- Фиол-2
- Технологич.СВ-1
- ЖРО
- Солидол Ж
- Прессолидол Ж
- ЛЗ- ЦНИИ
- ИП-1 л/з
- Графит. Термост. «ГТШ»
- Графит. электропров. ж/д. «КЖ»
- Графит. для горяч. пресс. «ТСГ-7»
- Циатим-201, 202, 203, 205, 208, 221.

Упаковка: 1л.; 25л.; 200л.
7984/2075
Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

"РОССИЯ ШИНАЛАРИ"
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АВТОШИНАЛАРИНИ СОТАДИ:
✓ Барча турдаги
✓ Тошкентдаги омборлардан
ГАЗ, КамАЗ, УАЗ, ЗИЛ, МАЗ эҳтиёт қисмлари тўпламлари
Доимий чегирмалари мавжуд
РОССИЯ ТЕХНИКАЛАРИ УЧУН АККУМУЛЯТОРЛАР БУЮРТМА АСОСИДА
Тел./Факс: 79-28-75, 79-28-73.
Маҳсулот сертификатланган.
7809/1818





"TEZINTOM" ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҚК
TEZINTOM
ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

ТУРЛИ РАНГДАГИ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ЁПКИЧ АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛМИШ ТОМЛАР ТЎЛИҚ КОМПЛЕКТЛАРИНИ ТОПШИРИШ
- Варақсимон ва доналик металлочерепицалар
- Майда тароқли уч хил турдаги профнастил (профил баландлиги 19 мм)
- Кўп турдаги аксессуарлар (том пардози элементлари). Металлочерепица ва профнастил узунлиги 0,95 дан 12 метргача. 1 квадрат метр махсулотнинг вазни 4,5 кг. Том анжомларини барчаси ғарб ускуналарида чет эл хомашёсидан тайёрланади.

ДЕВОР ВА ОСМА ШИФТ ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛЛАРИ, ЎРНАТГИЧ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА
Турли рангдаги полимер қопламалик, қалинлиги 0,5 ммлик пўлатдан ясалган.

Гўзал ва ишончли

ТУРЛИ РАНГДАГИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БИЛАН БЕЗАК БЕРИШ
"МЕЕН" (Германия), фирмаси технологияси асосида агрессив муҳитта металл ва электр ўтказувчи пластмасса маҳсулотларига.

ГЕРМАНИЯНИНГ "НЕВО" ФИРМАСИ УСКУНАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮКСАК БАДИИЙ САВИЯДАГИ НОЁБ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРИ
Жимжимадор панжаралар, суянчиқлар, ғаройиб дарвозалар, қандиллар ва бошқа гўзал буюмлар.

Манзил: Тошкент ш., Муҳитдинов к., 1(ТОЭМЗ-1). Мўлжал: "Буюк Ипак йўли" м. ст.
"ТЕЗИНТОМ" қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли камайтирилган
Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz



БАРҚАРОР БИЗНЕСГА ЭГА БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?
У ҲОЛДА БИЗНЕС ҲАҚИДАГИ ВА БИЗНЕС ЖУРНАЛИ "ПрессТИЖ" ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

"ПрессТИЖ" журнали - Ўзбекистондаги энг йирик ва машҳур каталогдир. Ҳар ҳафтада OFFERS рубрикаси остида 500 дан ортиқ модул эълонлари ва 1000 дан ортиқ таклифлар, шунингдек: автомобиль бозорининг энг охирги янгиликлари, уяли алоқа ва юқори технологиялар, бизнес-гороскоп, маркетинг ва менеджмент бўйича мақолалар ва бизнес ҳақидаги ҳамда бизнес бўйича бошқа материаллар.

Журналнинг ўқувчилар доираси-мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари, давлат бошқаруви органлари ходимлари, бизнесменлар, тадбиркорлар.

2004 йил учун "ПрессТИЖ" журналига обуна бўлиш билан бирга Сиз:
-"ПрессТИЖ- Экспресс" - хорижий ахборот воситалари дайджести,
-"ПрессТИЖ - Менеджер" - раҳбарлар учун илова,
-Халқаро кўргазмалар юзасидан журналнинг махсус мавзуларга оид сонларини олиб турасиз.

Обуна исталган почта бўлимида амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон вилоятларида обуна бўлиш ва нархлари юзасидан саволлар бўйича маҳаллий почта алоқа бўлимларига мурожаат этинг.

"ПрессТИЖ" журнали ҳар бир бизнесмен ва тадбиркор учун зарурдир!

"ПрессТИЖ" журналига обуна бўлиш Сизнинг бизнесингизга бўлган энг аъло инвестициялардир






Подписка на журнал "ПрессТИЖ" — отличные инвестиции в ваш бизнес.

Для льготной подписки в г.Ташкенте через редакцию
1. Отправьте или привезите заявку-запрос в редакцию журнала "ПрессТИЖ" по адресу: 700055, г. Ташкент, ул.Махтумкули, дом 1, комн. 128, или отправьте по факсам: 144-71-87, 144-74 87, или пошлите заявку-запрос по электронной почте Presstige_best@inbox.ru, или просто позвоните по телефонам: 132-18-17, 144-71-87, 144-74- 87.
2. После получения заявки вам будет выслан (или доставлен курьером) договор-счет на подписку.

Журнал "ПрессТИЖ" — самый крупный и известный каталог в Узбекистане. Свыше 500 модульных объявлений и 1000 предложений в рубрике OFFERS, еженедельно, а также: самые последние новости авторынка, сотовой связи и высоких технологий, бизнес-гороскоп, статьи по маркетингу и менеджменту и другие материалы о бизнесе и для бизнеса.

Читательская аудитория журнала — руководители и специалисты предприятий и организаций всех форм собственности, работники органов государственного управления, бизнесмены, предприниматели.

Подписавшись на журнал «ПрессТИЖ» на 2004 год, вы также будете получать бесплатные приложения:
- "ПрессТИЖ-Экспресс" — дайджест зарубежной прессы,
- "ПрессТИЖ-Менеджер" — приложение для руководителей,
- Специальные тематические выпуски к международным выставкам.

ОФОРМИТЬ ПОДПИСКУ МОЖНО В ЛЮБОМ ПОЧТОВОМ ОТДЕЛЕНИИ СВЯЗИ. ПО ВОПРОСАМ СТОИМОСТИ И ОФОРМЛЕНИЯ ПОДПИСКИ В ОБЛАСТЯХ УЗБЕКИСТАНА ОБРАЩАЙТЕСЬ В МЕСТНЫЕ ПОЧТОВЫЕ ОТДЕЛЕНИЯ СВЯЗИ.

Журнал "ПрессТИЖ" нужен каждому бизнесмену и предпринимателю!

Хочешь иметь устойчивый бизнес? Подпишись на "ПрессТИЖ" — журнал о бизнесе и для бизнеса!


«Ўзбеккино» компанияси, Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси жамоаси бирлашма аъзоси **Баҳром ОЧИЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси университет фахрий доценти **Николай КИМнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси «Ботаника» кафедраси фахрий доценти **Фуат ЖАНГУРАЗОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари ортопедик стоматология 5-курс кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Матсапа Бекметовга турмуш ўртоғи **Суна БЕКМЕТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги мелиорацияси кафедраси доценти Зиёмиддин Артукметовга падари бузруквори **Анармет АРТУКМЕТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ



Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.



БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 0066, 22589 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ.
Мусаҳҳиҳ — М. ЁҚУБОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21. 00.
2 3 4 5 6